



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 222 (9718).

1989 йил 22 ноябрь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети 1990 йил январь ойининг иккинчи ярмида Москвада ишчилар, деҳқонлар ва инженер-техник ходимлар вакиллари Бутуниттифок кенгашини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, унда қайта қуришнинг бориши, мамлакатни 1990 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг амалий вазифалари муҳофизат этилади.

КАНАДА БОШ МИНИСТРИНИНГ ТАШРИФИ

20 ноябрь кунини Канада Бош вазири Мартин Брайан Малруни расмий ташриф билан Москвага келди.

Аэродромда Б. Малрунни ҳамда унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Шу кунини Кремлда Н. И. Рижков билан Б. Малруни ўртасида музокарада турли соҳаларда Совет-Канада муносабатларини кучайтиришга доир кўпгина масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Арктика регионидан жумладан экология, иқтисодий, илмий-техникавий алоқалар, ишонч ва ҳафсизликни мустаҳкамлаш соҳаларида ҳамкорлигини ривожлантириш муаммоларига натижа эътибор берилди. Иқтисодий муаммолар ҳусусида батафсил гаплашиб олинди, иккала томон биргаликдаги куч-гайратлар билан икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини кучайтиришга муваффақ бўлиниди, деб умид билдириди.

Музокарада Э. А. Шеварднадзе иштирок этди.

Музокарада тугатилганидан кейин ҳозирги вақтдаги долзарб муаммоларнинг кенг доирасини: Арктикада, атроф муҳитни муҳофиза қилиш соҳасида, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда, космик фазони тинч мақсадларни қўллаб таъқиқ этиш ва ундан ана шундай мақсадлар йўлида фойдаланишда, гайри қонуний йўл билан наркотиклар тайёрлаш ва тарқатишга қарши курашда, капитал маблағ сарфлашни рағбатлантириш ва ўзаро муҳофиза қилиш тўғрисида, очик денгиздаги можа-роларнинг олдини олиш ҳақида, қуроли қўллар ўрта-сидаги алоқалар ҳусусида ва баъзи бошқа мавзулар юзасидан бир қанча ҳужуматлар-аро битимлар имзоланди.

Битимларни имзолаш маросимида Н. И. Рижков, Б. Малруни, Э. А. Шеварднадзе, Совет-Канада музокара-рининг бошқа иштирокчилари қатнашдилар.

Б. Малруни ва унинг рафиқаси шарафига Катта Кремль саройида СССР ҳукумати номидан тушунти-зиё-ват берилади.

Меҳмон билан биргаликда сафарда унга ҳамроҳ бўлган канадалик расмий кишилар ҳозир бўлидилар.

Совет томонидан Н. И. Рижков рафиқаси билан, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, бошқа расмий ки-шилар бўлидилар.

Дўстона вазиятда ўтган тушунти-зиё-ват Н. И. Риж-ков билан Б. Малруни нутқ сўзлашди, уларнинг нутқ-лари қарасқлар билан кутиб олинди.

Б. Малруни Кремль дево-ри ёнидаги Номат'лум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

(ТАСС).

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

- Таклифлар
- Эътирозлар
- Талаблар

ОЗОДАЛИК КУНИ ЎТКАЗИЛСА

Бундан 3 йил муқаддам Грузиянинг Тбилис шаҳри-да биринчи бор озодалик кунини ўтказилган эди. Шун-дан сўнг жумҳурият маъму-рининг барча шаҳар ва но-ҳияларда бир ойда бир ма-ротаба озодалик кунини ўт-казиб туришга қарор қилди. Ана шу даврдан буён груз-иялик меҳнаткашлар жум-ҳурият шаҳар ва ноҳиялари кўчаларининг ободонлашти-риш ва қўқаламзорлашти-рини, болалар майдончалари-ни барпо этиш, Давлат авто-мобиль инспекцияси ходим-лари билан ҳамкорликда ат-роф-муҳитни ифлослантира-ётган автомобилларни аниқ-лашда баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Санитария қўчаларига зид равишда иш тузатган муассасалар, завод ва фабрикалар, қури-лиш ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналари эса ша-ҳар ва ноҳия советлари жа-рима тўлашга мажбур эта-ди.

Менимча бизнинг вило-ятимизда ҳам озодалик кун-лари ўтказиб турилса айни муддао бўлар эди. Бу ҳар қадамда ахлатлар уюми уч-райдиган, кўчалардаги сига-рет қолдиқлари, музқаймоқ қоғозлари, ҳаттоки нон бў-лакчалари ётганини кўрганда кишининг дили хуфтон бў-ладиган Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл, Бекобод, Ангрен каби шаҳарларимиз кўрклини очган бўлар эди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ХАВОМИЗ ТОЗА БЎЛАДИМИ?

ХОНОБОД қишлоғи Чир-чиқ дарёсининг ўнг қирғоғи-да жойлашган. Дарёнинг ё-қинида ишлаб-чиқариш бут-лаш бошқармаси ишлаб ту-рибди. Шамол ўша тарафдан бўлганида завод мўрқонлари-дан чиқаётган захарли тўту-ни қишлоғимиз устига ёғди-ради, эчки-дегизларни бер-кикти ўтиришга мажбуримиз. Заҳардан болғаримиз, эчки-ларимиз касалланди. Ас-фальт заводининг мўрқондан чиқаётган чанг-тўзон, ғубор-

лар ювилган қирларимизни ифлос қилаётди. Ҳаво иф-лослангани билан касалли-ни ҳам кўлайди. Завод майдони-даги нефтин хайдаш қурил-маси ҳам ўта ёқимсиз хид чиқаради.

Фикримизча, заводда то-залаш қурилмалари ишламай-ди. Яна эштакчиликча, бу қурилмалар 8 йил ишлаган илгир-хизматчилар пенсияга чиқарилган экан. Биз нафас олишга мажбур бўлаётган ғуборнинг нечоғлик ифлос

эканлигини мана шу мисол-дан ҳам билса бўлади. Ишлаб чиқариш-техник бутлаш бошқармаси яқинида пойабзал тўқувчи ширкатчи-лар ҳам ўзларининг резина ва чарм чингидиларини ёқиб ҳавони янаям ёмонлаштириш-га «қўмақлашяптилар».

Биз, хонободликлар қи-шлоғимиз ҳавосининг тоза бў-лиши учун ёрдам беришля-рингизни сўраймиз.

Хатга жами 12 киши им-зо қўйган.


18
ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон ССР
Олий Совети
ВА МАҲАЛЛИЙ
СОВЕТЛАРГА
САЙЛОВЛАР КУНИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ-ДА Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ном-зодлар кўрсатила бош-ланди. Номзодлар кўр-сатиш 18 декабрдан да-вом этади. Республи-ка Олий Совети қабул қилган сайлов тўғриси-даги янги қонуни меҳ-нат коллективларига, истиқомат жойларида граждандарга ўзлари-нинг энг муносиб ва-киллари кўрсатиш учун кенг имконият беради.

Ўзбекистон ССР халқ де-путатлиги номзодлар кўр-сатишга бағишлаб ўтказил-



СЕБЗОРДА ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА



ЖУМҲУРИЯТИМИЗ пой-тахтида янги-янги даҳалар барпо этилмоқда. Ана шун-дай даҳалардан бири СЕБЗОР массивидир. Айни кунларда бу ерда пойтахтимиз қуру-вчилари қўл қавлати турар жой бинолари, маиший ва маданий объектлар, мактаб ва боғчалар қурилиши иш-ларини жадал суръатлар билан олиб боришмоқда. Кўни ке-ча Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасининг 4-трести бўйбодкорлари себзорликлар учун янги поликлиникани фойдаланишга топшири-ди. 5 қаватли бу даволаш муассасаси кўнига 600 киши-ни қабул қилиш имконига эга. Поликлиника замонавий медицина асбоб-авжонлари билан жиҳозланган қатор бўлимлардан иборат. Ҳу-сулсан, беморлар даволаш му-ассасида жарроҳлик, терапия, кўз ва қулоқ, асаб, тиш оғрини каби касалликлар бў-йича шифо топадилар. По-

ликлиниканинг диагностика маркази эса массив аҳоли-си саломатлигини доимо на-зорат қилиш имконини яра-тади. Келгусида даволаш му-ассасида итга билан асаб, бод, юрак касалликларини муолажа қилиш ҳам йўлга қўйилиши назарда тутилмоқ-да.

А. ШЕРОВ.

Суратларда: поликлини-канинг умумий кўриниши; да-волаш муассасаси бош врач Г. Исломов поликлиника рамзий қавати билан. Пастда (чапдан ўнгга) жарроҳлик бўлими шифокорлари даст-лабқа миждоқларни қабул қилишга тайёргарлик кўриш-моқда; врач-терапевт К. Кў-чирбоева (ўртада) ҳамда ҳам-шира Н. Абдурахмонова ўлу-ватан уруши қатнашчиси И. Зокировни медицина кўр-ни-дан ўтказмоқдалар.

А. ЗУФАРОВ суратлари.

ЗАВОД—БОҒЧАГА

«Ташхис-сельмаш» заводи шаҳримиздаги қатор болалар муассасаларини ўз оталигига олган. Ленин ноҳиясидаги 506-ҳамкорнинг ҳимматида жуда маънун.

Шу йилнинг ўзига завод боғчага бир неча бор амалий ёрдам кўрсатди. Кичиктоилар маскани учун берилган 60 минг сўм ёрдам пулига янги мебеллар сотиб олинди. Чи-рчиқлик кооператорлар тайёр-лаб берган бу мебеллар бола-

ларнинг ёши ва дидига жуда мосдир. Боғча яқинда ўзининг шинам ва гўзал «Эрталар шаҳарча-сига» эга бўлди. Уни бунёд этишда ҳам оталик ташкилоти ҳиммат кўрсатди. Уни қуриш учун 20 минг сўмлик маблағ сарф қилинди. Келгуси йили боғча ёнида ана бир йирек қурилиш иши амалга ошад. Ёпиқ усулда бунёд этиладиган сув ҳавзасини тиклаш учун 50 минг сўмга яқин пул ажрати-лади.

С. ОДИЛОВА.

ИЛҒОРЛАР САФИ ОРТИ

БҲКА ноҳиясидаги «Пар-тия XIX съезди» колхозида бу йил илгор бригадаларини са-фия янада ортди. Пахта тайёрлаш режасини хўжа-ликдагина эмас, ноҳияда ҳам билинчилардан бўлиб бажар-ган Аҳмад Душабоев, Нор-мурот Бекмуродов, Анвар Аҳмедов сингари илгор Бри-гадлардан ибрат олган Ис-момил Анобоев, Бухол Ҳума-

нова ва Абдурашид Абдурах-монов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган коллек-тивлар гектаридан 30 цент-нердан ошириб пахта йиғи-тириб олдлар. Мажибуриятни ҳам аллақа-чоқ адо этган бу бригадалар-да келгуси йил ҳосилга за-мин яратиш бошлаб юборил-ди.

Р. САИТҚУЛОВ.

ДАРОМАД ҲАМ, БУРОМАД ҲАМ ОШДИ

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети республика аҳолисининг январь-сентябрь ойларидagi даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш учун хатидан этди. Хабарномадан маълум бўлишича, ишчи ва хизматчиларнинг шу йил тўққиз ойидagi даромади ўтган йилнинг шу давридагидан нисбатан 6,1 фоиз, колхозчиларда оилавий ўртача даромад 8,3 фоиз кўпайди. Шу давр мобай-нидаги пул харажатлари ҳам ишчи ва хизматчиларда 9 фоиз, колхозчиларда 4,8 фоиз кўпайди.

Маълумотномага берилган шарҳда айтилишича, халқ хў-жалигида иш ҳақининг ошиши, айниқса колхозчилар оила-ларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳақининг ўсиши аҳоли пул даромадларининг кўпайишига сабаб бўлган. Шу даврдан ўзига аҳолининг озик-овқат маҳсулотлари, «ноозик-овқат» молларини сотиб олиш учун қилаётган хара-жатлари кўпайди. Харажатларнинг ошиши асосан нарлар-нинг кўтарилиши, харидорлик молларининг, айниқса болалар учун тайёрланган нарсаларнинг, ёшлар ва кекса ёшдаги ки-шиларга мўлжалланган ерзон кийим-кечакнинг пештахталарда турмаслиги туфайли ҳам кўпайди. Давлат савдосида асосий турмаслиги маҳсулотларининг йўқлиги аҳолини бу нарсалар-ни бозордан сотиб олишга мажбур қилди. Тўққиз ой даво-мида озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун қилинган харажатлар ўтган йилнинг шу давридагидан нисбатан ҳусусий кишиларда кўпайган, ишчи ва хизматчилар оилаларида 11,1 фоиз, колхозчилар оилаларида 6,8 фоиз кўпайган.

Статистика давлат комитетининг ахборотида аҳолининг СССР Жангирма банк муассасаларига қўйган жамғарма-ларининг кўпайгани айтилади: шу йилнинг ўн ойи мобай-нида жамғармалар ярим миллиард сўм кўпайди ва 1 ноябрга келиб 6786,5 миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда жам-ғармалар кўпайишининг сабаби аҳолининг бойб кетаватганли-гида эмас, балки харидорлар талаби қондирилмаётганлигида, деб таъкидланади.

(ЎзТАГ).

ган йиғилишда Тошкент қи-лоқ хўжалик институтининг деярли беш оз нафар сту-дент ва ўқитувчиси иштирок этди. Тошкент қишлоқ хўжа-лиқ институтининг ректори Э. Т. Шайхов 102-Салор сай-лов округидан халқ депутат-лигига номзод қилиб кўрса-тилди.

МУНОСИБЛАР— НОМЗОДЛИККА

Ўзбекистон Архитектор-лар уюшмасининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишти-рокчилари республика архи-текторлар уюшмаси правле-ниесининг раиси Т. Ф. Ди-ровани 18-Луначарский сайлов округидан Ўзбеки-стон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Каспаровнинг номзодини маъқуллашди. Депутатликка номзод йи-ғилишда қатнашаётган сай-ловчиларни ўзининг ҳара-кат дастури билан таниш-тирди ва халқ депутати бў-либ сайланган тақдирда қан-дай муайян режаларни ба-жариш ниятида эканлигини маълум қилди.

Р. ХУДОЕВОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚКАТИГА

Ўн биринчи қақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи сессияси шу йил 25 ноябрь артаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маж-лисалар залда очилди.

Ўн иккинчи сессияга келатган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 24 ноябрь соат 10 дан 19 гача Ўзбе-кистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида рўй-хатга олинади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

НИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ-
НИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ де-путатлари вилоят Совети тўғ-рисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг 37-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Совети ижроия коми-тети қарор қилади:

Итирмаччи қақирқ халқ

депутатлари вилоят Совети-нинг ўн иккинчи сессияси 1989 йил 9 декабрда Тош-кент шаҳрида қақирилсин.

Ижроия комитет раиси
А. ИҶДОШЕВ.

Ижроия комитет котиби
А. МАНСУРОВ.

Илгир ижтимоий-иқтисодий тарққийет режасининг қан-дай бажарилаётганлиги тўғ-рисида;

вилоятнинг 1990 йилги маҳаллий бюджет ва 1988 йилги маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида.

Тошкент шаҳри. 1989 йил 17 ноябрь.

Партия ходими минбари ЯНГИЛАНИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙМИЗ

Мамлакатимизда КПСС XXVIII съездига қизғин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Коммунистлар ва барча меҳнаткашлар партия XXVII съезидан кейинги даврда амалга оширилган ишлар, қайта қуришнинг дастлабки сабоқлари, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришмоқдалар. Ташкилий-партиявий ва мафкуравий ишларни такомиллаштириш юзасидан ўз тақдирларини баён этмоқдалар. Бўша ноҳиялар партия комитетининг биринчи котиби Х. А. ПИР-НАПАСОВ муҳаббат билан суҳбатда КПСС XXVIII съезидан тайёргарлик билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларини баён этди.

— Хайрулла Абдулаев, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ноҳия партия ташкилотининг олдидан турган асосий вазифалар ҳақида нимагиз дея олаемиз?

— КПСС ҳалқ партияси, ҳалқ учун хизмат қиладиган партия экан, бизнинг биринчи вазифамиз кишиларнинг талаб ва эhtiёжларини тўлиқроқ қондиришдан иборатдир. Сўнгги пайтларда партия ташкилотлари ҳужалик ишларига аралашмасликларни керак, деган гаплар кўпайиб кетди. Албатта, саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжа-лиги ишлари билан бевосита шугулланиш ҳўжалик органларининг вазифаси.

Ҳозирги шароитда ҳўжа-лика партиявий раҳбарлик усулларини тубдан янгиллаш зарур. Эндиликда аввалгидек район партия комитети бюросида чигит екиш муддатларини белгилаш, қайси ерда мелiorация ишларини олиб бориш масаласини муҳоама қилиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Айни вақтда райком ҳўжалик юртишнинг ижара пулрати, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш усулларини изчилик билан жорий этиш масалаларини билан амалий шугулланиш лозим.

Ноҳия партия комитети бу масалаларга доимо эътибор бериб келаяпти. Ҳозир планларнинг бажарилиши, залворли рақамлар билан мақтанганидан давр эмас. Шундай бўлишига қарама-сана қилинган ишларга ҳоли-сона баҳо бермаслик ҳам инсофдан бўлмаст.

Пахтакорларимиз бу йил давлат қабул пунктларига 61,666 тонна қимматли хом ашё етказиб бердилар. Бу ҳо-салинг 82,3 фоиз машиналар билан териб олинганлиги ҳўжаликлар даромади анча орттиришдан далолат берибди. Саноатимизда, ка-птал қурилишида, қораччи-ликда ҳам икбий силжишлар кўзга ташланиб қолди.

— Бўқалиқлар илгарилари ҳам пахтадан катта хир-мон урдилар. Бироқ ик-тимий муаммолар ўткирли-қига қолларедлар.

— Афсуски бунин инкор этмаймиз. Кўпгина ракам-тор ортда одамларни пай-қамадик. Ҳозиргина меиға бутуту ва бу йилги қури-лишлар ҳақида маълумотно-ма беришди. Раёонда икки йил ичида 2 минг 900 ўқу-чида мўжадланган мактаб-лар ва қўшма сиф хона-лар, 560 ўқилиш болалар боғчалари қуриб фойдала-нишга топширилди. Шу ку-ларда «Кремль» совхоз, Фрунзе номи, Карл Маркс номи, «Ленинизм», «Ок-тябрь 40 йилги» колхоз-ларда, Бўша шаҳрида янги мактаблар, болалар боғча-лари қуриляпти.

Медицина муассасалари моддий-техника базаси ҳам муштаҳамланмоқда. «Пар-тия XX съезди» колхозни марказида 80 ўқилиш иш-лоқ участка касалхонаси, бир неча ҳўжаликда феъ-лишер-акusherлик пунктлари қурилади.

Бундан ташқари биз аҳо-лининг уй-ҳўжа бўлган та-лабини қондириш чоралари-ни ҳам қўймоқдамиз. Бу йилнинг ўзида давлат на-пи-

лик ва демократияни яна-да кучайтирган ҳолда кол-лектив худбинлигининг оди-ни олиш чораларини қу-рапти. Номзодларга, кол-лективнинг барча аъзоларига раҳбар кадрларнинг ҳисла-ларини, нуқсонларини асо-ли қилиб тушутириш хато-ларга йўл қўймаслигининг ка-фолати деб ҳисоблайман.

Кадрлар, шу жумладан партия ходимлари билим-донлиги учун катта талаблар қўйилган бўлганини кунда юқори малака жўда-жўда зўр бўлиб қолди. Райком а-ппаратда тармоқ услубидан воз кечи, территориял прин-ципга ўтган эдик. Ҳаёт бу тажриба бизда ўзини оқла-маганлигини кўрсатди. Чун-ки партия ходими—у қанча-лик пухта тайёргарликка э-э бўлмасин, барча соҳалар-ни қамраб ололмаслигини исботлади. Натияжа илгар-ий услубга қайдик. Бу тажрибадан кадрларнинг ма-лакисини янада ошириш за-рур деган ҳулосага келдик.

— Ҳозир партиянинг об-рўси, коммунистнинг қайта

қуришдаги ўрни кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бунга нима дейсиз?

— КПССнинг XXVIII съезидан партияимиз ҳар қан-тигидан ҳам илгиланган ҳолда бориши керак, деган қатъий фикрдаман. Баъзи бирларнинг айрим даврлар-даги хатоларига, баъзи партия ташкилотларининг бўшашувчанлигига қараб шошқалонлик билан ҳулоса-лар чиқариш ярамайди. Пар-тияга қарши қилинаётган ҳуружлар замирида бошқа мақсадлар етганлигини эсда-н чиқаришга ҳақимиз йўқ.

Партиянинг обрўси ҳар қан-ти амалий иш билан тас-диқланиши зарур. Бу ўзини коммунистлар партияси аъ-золлиги мансуб деган ки-шилардан чинакамга фи-дойлиқни талаб этади. Шу ўринда пойтахт вилоят пар-тия ташкилотига ўтказила-ётган коммунистлар атте-стациясининг катта аҳамия-ти алоҳида таъкидламоқчи-ман.

Ноҳия партия ташкилоти ҳисобида турган 2339 ком-мунистнинг 770 нафари бу синовдан ўтди. Уларнинг 182 нафари, шу жумладан 24 нафар раҳбар ҳодим шартли равишда аттестация қилинди. 22 нафар КПСС аъзоси эса аттестациядан ўта олмади. Аттестация якундари бўйича 14 киши КПСС сафидан ўчирилди. Албатта, бу партия ташки-лотлари ишидаги катта нуқ-сондир. Бунинг эътироф этган ҳолда коммунист номига до-ғу тушираётган кишилардан қатъий билан ҳалос бў-лишимиз керак деган фикрда-ман. Шунинг учун ноҳия партия ташкилотига комму-нистлар аттестациясининг да-вом эттиришга қарор қил-дик.

— Партия сафарининг софлиги КПССга қабулга ҳам боғлиқ. Бу масалалда тажриба тариқсидан узи-л-кесил қарор қабул қилиш бошлангич партия ташки-лотини топириганлигига қандай қарайсиз?

— Бошлангич ташкилот партиянинг асоси. Демак у партия сафарининг софли-ги учун энг кўп қайғуриши лозим. Қолаверса, ўз тақ-ди-

рини КПСС билан боғлашга қарор қилган кишиларнинг икбий фазилатларини улар билан ёнма-ён ишлаётганлар-дан бошқа ким яхшироқ би-лиши мумкин.

Бошлангич партия таш-килотларига бундай катта ва очик айтиш керакки, масъ-улиятли вазифа юкланган пайтда райком ҳам ўз иш услубини қайта қуриши ке-рак. Бу ўринда партияга қа-бул қилинишни ўзини оқла-ган икки йиллик системаси-ни такомиллаштириш лозим. Ҳар бир бошлангич ташки-лотимиз бутунги кунда КПСС сафига кириш истаги-ни билдирганлар билан до-ний иш олиб бормоқда. Бу партия сафига тасодий ш-хасларнинг суқилиб кириб қоллишларига ишончли тў-сиқдир.

— Сизнинг фикрингизча, съездда бўтувчи қуниинг қайси долзарб вазифалари-ни кенгроқ муҳоама қилиш мақсада мувофиқ бўлар эди?

— Юқорида таъкидла-ганидек, партияимизнинг жи-лигини таъминлаш, миллат-лараро муносабатларни со-ломлаштириш кеңиятириб бўлмайдиган вазифалардан-дандир. Қишлоқ ҳўжалигида-ги нарх-наволар ҳам тобора ўткир муаммолардан бирига айланимоқда. Ҳаёт маҳка-ти мекнат талаб қиладиган пахта, бошқа қишлоқ ҳўжа-лик маҳсулотларининг ҳа-рид нархлари бутунги ку-га келиб қишлоқ меҳнаткаш-ларини қаноатлантирмай қол-ди.

Ўзбекистон партия ва ҳу-куматининг кейинги вақтлар-даги ҳаракатлари натижа-сида пахтага бир мунча қў-шимча ҳақ тўлана бошлади. Лекин муаммо тўлиқ ҳал этилмади. Ҳарид нархларини ўн қилиш беш йилликда ислоҳ қилиш кўзда тутила-ётганидан хабардоримиз. Ме-нимча ҳозирнинг ўзидаёқ бу масалани умумхалқ муҳоа-масига қўйса бўларди. Олим-лар, иқтисодчилар, пахта-корлар, барча қишлоқ меҳ-наткашларининг фикр-муло-ҳазаларини ўраниш ҳарид нархларининг мақбул бў-лишига ёрдам берадир.

Съездда интизом, айниқ-са меҳнат интизими масала-си ҳам кўтарилса ажаб эмас. Матбуотда, радио ва теле-видениеда ҳалқ ҳўжалиги-миз инкирўз ҳолатида экан-лиги, етишмовчиликлар ҳа-қида жўда кўп гаплар бўла-япти. Бу эътирофдур, ўрин-ли-ўринсиз айбонлар ке-йинги пайтда тобора кўпай-иб бораётган митингларнинг ҳам бош мавзуси бўлиб қол-ди. Онда-сонда интизомга ри-оя этиш зарурилиги эшити-ли қолмади. Лекин бу сўзлар камчиликлар тўғрисидаги вазҳонликлар орасида қў-милиб кетади.

Қачондан бери гапдан иш-га ўтиш тўғрисида ташвиқот қилиамиз. Ҳақиқатан ҳам ишга зўр берадиган пайт келган. Ҳар қанча пах-такор ва чорвадорлар орасида булар эканман, бун-га чўқури ишонч ҳосил қила-ман. Меҳнат билан банд ки-шининг вазҳонлиқига вақ-ти қолмади. Съездда ҳар бир коллективда интизом учун партия ташкилоти ва коммунистларнинг жавоб-гарлигини янада катъий белгила қўйиш керак.

Янгиланиш шамолли тобо-ра кучли асётган ҳозирги пайтда эртанги кунимизга ишонч билан қарамоқчи бўлишга ярамайди. КПССнинг XXVIII съезди ана шу умид-ларни рўёбга чиқариши ке-рак.

Суҳбатни Адолат НОСИ-РОВА ёнб олди.

ИЛМИДАН ЭЛ БАҲРАМАНД

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ илмий жамоатчилиги таниқли олим, Ўзбекистон ССРда хизмат қў-сатган фан арбоби, ўзининг илмий изланиш-лар билан қишлоқ ҳўжалик машинасозлигини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшган истеъдодли тадқиқотчи Халим Ҳайдарович Ус-монов ҳақида таваллудининг етмиш йиллигини кенг нишонлади.

Кўйида олимнинг шогирдлари ўз устозлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Ҳамиша дилкаш, очик чеҳрали, кўзларида бир олам маъно муассасам то-пган бағри кенг устозимиз Халим Ҳайдарович Усмон-хўжаев ҳақида илгарилари ҳам бизга ўхшаш шогирдлар-ни кўп ёзишган. Номин бир-лани маамлакатимизда эмас, балки Болгария, Ҳиндистон, Греция, Испания, Аргенти-на, Бразилия ва бошқа чет мамлакатларда ҳам машҳур бўлган забардаст олим ўзи-нинг 70 йиллик ҳаёт йўлини мазмун билан бойитиб олди.

У жумҳурият фанлар ака-демиясининг академиги, Ўзе-бекистон ССР давлат муқофоти-нинг лауреати, техника фанлари доктори, профессор сифатида машиналар ме-ханисаси бўйича ўзига хос мактаб яратган забардаст тадқиқотчидир.

Истеъдодли олимнинг тар-жиман ҳоли оддий. Мактаб-да ҳам, Тошкент тўқимачи-лик институтида ҳам билим-га меҳр қўйди. Ўқиниш би-тирган ўзи илм олган олий даргоҳда аспирант сифатида изланишни давом эттирди. Техник адабиётларга бўлган

ниқли олим сифатида рўё-га чиқарган унинг ишлари-дан бири — пахта териш машиналари учун яратган таркибий автомат шпиндел-дир. Бу янгиллик кўп йиллар давомида машаққат кечи-б келаятган механизаторлар мушкуллини осон қилди, унумдорлигини оширди. Шпиндель доғруғи чет эл олимларига ҳам етиб борган-лар ўзбекистонлик тадқи-қотчининг илмий самараси-дан баҳраманд бўлиш учун тўлов шартномалари ту-зилди.

Илм-фан жонкуярининг бу ютуғини жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати муносиб тақдирлади. Унга Беруний

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

номидаги жумҳурият давлат муқофоти берилади.

— Фан кишии эришган ютуғи билан ҳеч қачон гу-рурланиб кетмаслиги керак, — дейди Халим Ҳайдаро-вич. — У доимо изланиши, халққа манфаат берадиган ечимларни ҳал этиши лозим.

Устоз изидан бораётган кўплай шогирдлари ўз фаолиятларида ана шу таъ-лимга амал қиладилар. Уларнинг меҳрибон мураб-бийлари билан ҳамкорликда тадқиқ этган қатор илмий ишланмалари назарий ва амалий жиҳатдан жажон олимларининг эътиборини қозонаётган ҳам шундан бўлса керак. Хусусан, устоз бошчилигида яратилган им-

Р. ҚУЗИБОВ,
К. ҚАРИМОВ,
техника фанлари ном-
зодлари.

Фойда олиш Купаймоқда

ЖУМҲУРИЯТ агросаноат комитетининг Юқори Чирчиқ тажриба заводи коллективи колхозлар-совхозларга қа-рашли турли қишлоқ ҳўжа-лик машиналари ва уларнинг энг муҳим узели-двигателла-рини ремонт қилиш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўтган ойларидан 1988 йилнинг шу давридаги нисбатан жа-мин иш ҳажми ўн беш фоз-дан кўпроқ ортди.

Ремонтчилар унумли ва сифатли меҳнат қилиш ҳўжа-лики юртишнинг янги ша-роитлари учун ниҳоятда за-рур эканлигини, бундан, ав-вало, ўзлари ҳар томонлама манфаат қўришларини яхши тушуниб олганлар. Шу ту-файли барча буюртмаларни вақтида бажаришляпти. Ўта-ётган йилнинг ўн ойида шарт-нома мажбуриятлари тўла уддаланди, айрим буюртма-лар барвақт адо этилди. На-тижада коллектив олган фой-да ҳажми кўпайди. Бу қў-саткичи бўйича режа уч қвар-талда икки юз фоздан ош-ириб бажарилиди. Унинг анча-гина қисми иш ҳақида қў-шимча муқофот тариқсидан ремонтчиларга тўланди.

М. УСМОНОВ.

ИШЧИЛАР ТАЛАБИ ВА МИНИСТРЛИК МАНФААТИ

Касаба уюшма ҳисобот-сай-лов конференциясида министр-нинг ишторқ этиши одатда йилгилиш қўшма нуфўз бе-ради, деган фикр бор. Вилот автомобиль транспорти ва тош йўллар ишчилари касаба уюшма конференциясида жум-ҳурият автомобиль транспор-ти министри Л. А. Ахметов иш-торқ этаётганини делегатлар маъмурий билан кутиб олди-лар. Аммон конференция бо-шланган министрининг биринчи лўқмасиёқ даврда нуқулай ва-зият туғидир.

— Кўлингиздаги сўзга чи-қувчилар рўйхатини! — раис-лик қилувчи яширилмаган тах-да билан мурожаат қилди Л. Ахметов.

Маълум бўлишича, раислик қилувчилар кўлидаги қозғалар конференцияни олиб бориш таъбири экан.

Министр конференцияни ў-казиш тартиби муҳоама қили-наётганда ўзини ана бир бор «эспанти» қўйди. «Саволлар аъза равишда берилиши» де-ган тақлифга делегатлар бирор фикр билдиришга унгуришлар-ниданёқ эътироз билдиришга тоқат қилолмайдиган оҳангда «саволлар оғзани берилиш» ва доқладчи ҳамма олдига шу за-ҳотқиб жавоб берсин» деб шартта кесди. Кейинчалик у делегатларга конференция ишида охириқанда бўлиши ва меҳлис қандай олиб борили-шини назорат қилишини эс-латиб қўйди.

Биринчи раҳбарининг бундай хатти-ҳаракати маъмурий-буй-руқболизм иш услубини яқо-л эслатиб турарди. Зотан, тармоқ касаба уюшма комитетининг раиси С. А. Данияльич қил-ган доқладда ҳам министр-нинг ишчилар талаб ва эhtiёж-ларига расмий муносабатда бў-лаётганига мисоллар етарли эди. Касаба уюшма комитети министри номига ёган макту-биде планлар ҳайдовчилар-нинг ортиқча вақт ишляётган-лари ҳисобига бажарилаётгани ва планлаштириш органлари бунга эътибор бермаётгани ҳа-қида мурожаат қилинганида «Сиз ўз вазифангизни бажари-ш» қабилда жавоб олганини айтиди. Бундай бераҳмлик эса йўл-транспорт ҳодиса-ларининг кўпайишига сабаб бў-лмоқда. Министрликка ишчилар меҳнат шартноларини яхши-лашдан кўра кўпроқ планлар-нинг бажарилиши керак.

— Мен бугунги йилгилида

бутунлай бошқа масалалар га-пирмоқчи бўлиб ўз фикрла-ринини қозғоғга тушириб ке-лган эдим, — деди Қўлиқдаги кўпирк экспериментал темир-бетон конструкциялари заводи бошлангич касаба уюшма таш-килоти раиси Ж. Вердиева, — лекин ҳурматли министрлик-нинг бугунги конференцияси-да ўзини тутиши мени ҳайрат-га солляпти. Биз ҳисобот-сайлов конференциясида олдимида турган масалаларни биргалик-да ҳал қилиш учун йилгилан-миз. Маъжисимиз эса лўқма-ташлар, бир-биринининг шах-сий муносабатларини аниқ-лаб олишга айланиб қолляпти.

— Вилот АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ТОШ ЙЎЛЛАР ИШЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА КОМИТЕТИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Йилгилида ҳам тармоқда меҳ-наткеш нисон тўғрисида га-мхўрлик қилишдан кўра минис-трлик манфаатлари устуи тур-ганлигига қўллаб мисоллар келтирилди. Бу, ейинкис ик-тимий соҳалар оқсаб қолаят-ганида кўзга ташланимоқда.

— Маъмурият билан ишчи-хизматчилар ўртасида тузилган коллектив шартнома моделла-рининг ҳар ўтасидан битта-си бажариламай қолаятган бир пайтда касаба уюшмасининг обрўси ошадими? — дейди ҳисобот доқладчида. — Маса-лан, биргина 1988 йилда кол-лектив шартнома моделлари-дан 781 таси бажарилмади. Йилгиўллага 2503-, 2512-ав-токорхона, 2-машруулли та-кислар парки, 18-автопаркда ах-вол ейинкис қонқирасиз. Улар-нинг ҳар бирида шартноманинг 10—20 моддаси барбод бў-лган.

Шу сабабли тармоқ ҳодим-ларининг меҳнат ва турмуш шартноларини яхшилашга қа-ратилган тебдирларнинг анча-гинаси қозғоғда қилиб кетмоқ-да. Кўпгина қорхона ва муас-сасаларда эса меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишга ки-ришган касаба уюшма бошлан-гич ташкилотларининг раислари раҳбарлар билан келишолма-гани учун бу вазифада узоқ ишлай олмаляптилар.

Кўпгина автоҳўжаликларда коллектив аъзолари учун од-

дан ортиқроқ қўлдир. Шу-нингдек, турли суз ҳўжалиги машина-механизмларини учун эhtiёт қисмлар етказиб бе-риш топириқлари ҳам ош-ириб адо этилди.

Ўтган ўн ойда барча агре-гатларни ишлаб чиқариш ёки қайта тиклашда белгилан-гидан кўра салмоқдорроқ на-тижаларга эришилди. Ҳум-ладан, қўвуру ётқиувчи ме-ханализмлардан 45 та тайёр-ланди. Бу шу давр планидан-гидан ўн иккита кўлдир. Қў-ча вагонлардан эса 658 та ишлаб чиқарилиди. Унинг сак-изтасан топириққа қўшим-чадир.

200 МИНГ

СЎМЛИКДАН ОРТИҚ

ТОШКЕНТДАГИ экска-ватор ремонт-механика таж-риба заводи коллективи ўн

иқтинчи беш йиллигининг тур-тинчи йили топириқларини мувофақиятли удаламоқда. Ҳўжалик ҳисобида ишлай афзалликларида моҳирона фойдаланиш, ҳар бир ишчи-хизматчининг манфаадор-лиги меҳнатининг пировад натижасига боғлиқ бўлиб

қолганлиги яхши самара бе-рляпти.

Шу туфайли ремонтчилар йилнинг ўтган ўн ойида шарт-нома мажбуриятларини ор-тиғи билан бажардилар. Ҳўжалик ҳисобида ишлай афзалликларида моҳирона фойдаланиш, ҳар бир ишчи-хизматчининг манфаадор-лиги меҳнатининг пировад натижасига боғлиқ бўлиб

[ТАСС, 20 ноябрь].



● ПРАГА. Чехия Социалис-тик Республикаси ҳукуматининг раиси Франтишек Пистра сўн-гй кўнларда юз берган воқеа-лар муносабати билан ақшанба кўни кечқурун Чехословачия телевидениеси орқали гапир-ди.

Бундан икки йил муқаддам бошланган бизнинг Чехослова-киядаги қайта қуриш ва демо-кратиялаш йўлимиз ўзини-ҳи-нинг таркиҳи ва ҳозирги таж-рибамизга, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси-га асосланган бўлиб, бу йўл мамлакатимиздаги ва хориж-даги айрим доираларга маъқул бўлаётгани йўқ. Улар беқарор-лаштириш ва ҳозирги илхотқ-ларим барбод этиш учун ҳар

ривожланишдан манфаатдор-дирлар. Олдимизда турган мушкул вазифалар ҳар бири-мининг кўч-қайратимизни тў-ла ишга солишни тақозо эт-моқда.

● ВАШИНГТОН. Бакилар-палатас Пентагоннинг кон-крет программаларига 1990 йилда 286 миллиард дол-лар сарфлаш тўғрисидаги қо-нун лойиҳасини ақшанба кўни маъқуллади ва президентга мизо чекни учун юборди. Бу ҳужжат ўтган ҳафтада конгресс қабул қилган қонунини тўлдир-ди, шу қонунга кўра, АҚШ-нинг бу йилги ҳарбий харажат-ларининг умумий миқдори 305 миллиард доллар, деб белги-ланган.

Конкрет программаларга маблаг ажратиш тўғрисидаги қонун-лоийҳасида маъмурият-нинг «самовий урушлар» про-граммасига сўровини қисқар-тириш мўлжалланган.

Темирйўл платформаларида 10 та портовчи каллакка МХ тилидаги стратегия жўра раке-таларни жоёлаштириш ва бит-та портовчи каллакка «Ми-жиктеми» янги стратегик қўш-ма ракеталарини яратиш учун 1,1 миллиард доллар ажратиламоқ-да.

● МАНИЛА. 1987 йил авгу-с

ҲАФТАНИНГ охириги иш кунин бўлганиданми, қишлоқ Совети ижроия комитети котиби ҳузурга келувчилар кўп эди.

Иш, фақат бунинг учун эмас, — дея нозоқ берди котиб Карим Мирзоиев. — Қишлоқда ҳозир қурилиш қишлоқлардан кўп, қурилиш материаллари эса тақсир. Айниқсан, шиферга талаб катта. Ҳозир бизда шифер олиш учун саксондан ортиқ одам набабда турибди. Уларнинг талабини қондириш учун қанда 15 минг дона шифер керак. Бизга эса йил бошидан бери фақат 2 минг дона шифер ажратилди, холос. Уйини тиклагандан кейин устани ёпиш керак, ёгини сочилиш кунларга қолса ёз бўйи қилинган меҳнат беҳуда кетади. Ҳозирча шифер сўровчиларга кутуб туринлар, келиб қолса оларсизлар, дейишдан бўлак иложимиз йўқ.

Дарвоқе, аҳвол жиддий. Чамаси ярим соат ичиди бир неча киши котибга шифер масаласида мурожаат қилди. Биз Теловдан қайтгач, бу масалага аниқлик киритишни Охангарон ноҳия ижроия комитети ҳузурдаги шахсий уй-жойлар қурилиши бўйича ҳўжалик ҳисобиди бўйича мудири Махмуд Мўхаммедовдан сўрадик.

— Тўғри, уй қуриш ҳақида жуда кўп ташвиқот қилдик, — деди у. — Лекин нафақат Теловда, балки барча қишлоқ Советларида ҳам нимагадир уй-жой қурилишлари расмийлаштиришга юзани муносабатда бўлишмоқда. Бўлимизни ҳодими белгиланган график бўйича ҳамма қишлоқ Советларида бўлади. У аксарият ҳолларда бирон та ҳам уйини расмийлаштирмай, қуруқ қайтади.

— Қарқалай, шифер ма-

саласига аниқлик киритсангиз, — сўраймиз ундан.

— Бу йил ноҳия бўйича аҳолига 46 минг донадан зиёд шифер сотилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўп. Лекин гап рақамларда эмас, табиийки, қурилиш қўламини кенгайтимоқда. Боя айтганимдай, фаоллар жойларда ҳақиқий аҳолини ўргатиш шў асосда бўлган буюртма беришлари керак. Шундан кейин шифер ажратилади.

ТОМОРҚА ЕРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

НАЗОРАТИДА

Тартиб-қонда бўлгани аҳли, албатта. Лекин одамлар ҳам керак бўлмаса бекорга шифер сўрашмайди. Айтайлик, Телов қишлоқ Советининг ўзида шўча одам шифер қидириб зир югуриб юрган бўлса, қончи бўйича бу ташвиш қанча одамнинг бошида борлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қарқалай, аҳолига қурилиш материалларини керагича етказиб бериш йўлида амалий иш кўпроқ бўлгани аҳли.

Телов қишлоқ Советида бундан ташқари ҳам муаммолар кўп. Бу ерда қурилиш материаллари билан савдо қилувчи база ишга тушганида ҳамма жуда хурсанд бў-

ган эди. Мана, бир йилдан ошдини, база ишламайдди. Одамлар яна сарсон. Улар қурилиш материаллари излаб 25—30 километр олинсадаги Ангрэн, Олмалик, Охангарон шаҳарларига югуришган-югуришган. База эса нафақат Теловнинг ўзига, балки Сусам қишлоқ Совети қишлоқларига ҳам хизмат қилиши керак. Базанинг негиз ишламаётганлиги сабабини сўраб ноҳия матлубот

мудири Шорасул Шоазимовнинг иши прокуратурага ўтказилган. Агар кадр топишса, базани акт билан унга топишириш мумкин.

Хўш, бу тўғрида Телов савдо бирлашмиси директори Баҳоқир Мусаев — нима дер экан?

— Ҳа, кадр топишлар деб бизга айтишган. Лекин бу бизда иш битмайди. Базадаги материаллар бир йилдан бери чириб ётибди, ўтиндан

ши, улар учун ишлаши керак. Қурилиш қишлоқларига уларнинг минг хил баҳо наси эмас, амалий иш зарур. Аниқроқ қилиб айтишга бўлса, базанинг ишлаши зарур, шифер зарур. Савдога раҳбарларга қўйиб берилса базанинг ҳали — бери ишлаши жумбоқча ўшаб қолди. Бу ишга, бизнингча, ноҳия ижроия комитетининг теалики аралашуви зарур.

— Яқинда совхозимиз меҳ-

ЕР БЕРИЛДИ, КЕЙИНЧИ...

булак нарсасга ярамайди. Қанча нарсга қаровсизликдан йўқолиб ҳам кетган. Хуллас, базадаги аҳолини аввал чўқур ўрганиб акт қилиш зарур. Ана шундан кейин кадр тўғрисида ўйлаш керак.

Хуллас, ана шўнақа гаплар. Юқоридаги жавоблардан сўнг савдодаги масъул ҳодимларнинг энг масъулиятда жойда масъулиятдан қочишгаётганлигини сезиб олиш қийин эмас. Аниқроғи улар «Сен менга тегма, мен сента, қолгани бир гап бўлар» қабалида иш тутушмоқда. Лекин эндиликда бундай кайфият билан узоққа бориш қийин. Раҳбарлар омма билан ҳамнафас бўли-

нат коллективни кенгайтириш мажлиси бўлиб ўтди, — дейди шу қишлоқ Совети ҳудудида жойлашган Ворошилов номи совхоз касабаси союзи комитети раиси Умаркул Солиев. — Уй-жой, томорқа ажратиш масаласи қўриб чиқилди. Кенгаши аъзолари дидил қарор қабул қилди. Ҳар бир оилга сувли ердан 15 сотихдан, сувсиз ердан 20 сотихдан ер берилса бошланди. Ана шу мақсадлар учун 46,6 гектар ер ажратилди.

Умуман олганда қишлоқ Совети ижроия комитети ва совхоз маъмурияти одамларга ер ва томорқа беришга дурст эътибор бера бошла-

ди. Аввалги хатолар тузатишмоқда. Масалан, яқин-яқинда ҳам Теловнинг ўзидан 10 гектар, Бекмуродову қишлоқдан 10 гектар ер учатга кўч уй ажратилиб, қолган қишлоқлар аҳолисига хоҳласинг шу ердан ол, бўлмаса ўзинг билсан қабалида иш тутулаётган эди. Қишлоқларга бундан бўён иложи борича ўш қишлоқдан ер берилди. Бунинг устига ўтган йили 8 сотихдан ер оилаларга ҳам қўшимча томорқалар бериш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда қишлоқ Советида 1300 дан зиёд хонадон истиқомат қилмоқда. Ҳатми турар-жой майдони 19 минг квадрат метрдан ошди. Унинг 4300 квадрат метри, яъни 60 та янги уй ўтган йили қурилди. Қўрилиш турбидики, ишлар қўламини жуда кент.

Албатта, булар шахсий ҳўжаликларини ривожлантириш йўлидаги дастлабки қадамлар. Дастлабки қадамлар эса ҳар доим ҳам осонлик билан қўйлавермайди. Қиёинчиликлар, тўсиқлар бўлиши табиий. Ёринуқ ажратиб бериш қийин эмас, ундан кейин-чи? Бизнингча, асосий иш ер ажратиб берилганидан кейин бошланади. Бизга қишлоқ Совети ижроия комитетининг набабдаги мажлисида уй-жой программасининг бажарилиши масаласи қўрилиши айтишди. Ҳа, бу масалани доимий назоратда тутиб туриш керак. Бизнингча, ижрокам мажлисида одамларни қийнаётган энг муҳим масалалар — қурилиш материаллари таъминоти, хароб аҳолида ётган базани ишга тушириш масаласи жиддий муҳокама қилиниши керак.

Нуралӣ АБДУРАСУЛОВ.

МУНОЗАРАГА

ТАКЛИФ

ҚИЛАМИЗ

Кейинги пайтларда матбуотда умумийтўғри меҳнат тақсимиети негизига аниқ мақсадни кўзлаб, жадал ихтисослаштириш таклифларини амалга ошириш ҳам мажбурий, ҳам шарафли вазифа қилиб қўйлаётганлиги бежиз эмас.

Чунки турғунлик йилларида умумийтўғри меҳнат тақсимиети тушунчаси ўғ тарозининг бир палласида меҳнат, озгина иш ҳақи деҳқонча аталиб, иккинчи палласида эса маҳсулот ва унинг фойдаси бошқаларнинг бўлиб тавдаланар эди.

Эндиликда у замонлар ўтиб кетди. Тарозининг бир палласида меҳнат, унга тенг меҳнат ҳақи ва маҳсулот фойдасининг бир қисми деҳқонлик, иккинчи палласида эса меҳнат ҳақи тенг маҳсулот ва фойданинг бир қисми қайта ишловчига тегиши шартдир.

Модомки, меҳнатнинг сифати ва миқдорида яраша ҳақ тўланмас экан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёт йўртидаги тафовутни йўқотиб бўлмайди.

Матбуот, меҳнат ҳақи реал даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун унинг миқдори аҳолининг моддий ва маънавий турмушини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Бу ўринда биз асосан пахтакорларни назарда тутяймиз.

Минг афсуски, ўтмишда, хусусан 1970 йилнинг охиридаги келиб республика пахтачиларида ўта салбий ҳолатлар рўй бера бошлади. Пахтакорлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳўжалик юрти-тишнинг шировад натижалари билан асло мосланмади. Бу ҳол ишчиларда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик кайфиятини вужудга келтирди. Тармоқда қўшиб ёзиш, алдамчилик, ўғирлик, порахўрлик иллатлар авж олди. Буларнинг ҳаммаси турғунлик йиллари оқибати, пахта якнахоқимлиги натижаси эди.

Кейинги йилларда республикада иқтисодий ва социал қолқонидан чиқиб, маънавий покланиш йўлида дастлабки қадамлар қўйламоқда. Масалан, 1983—1987 йилларда пахтачининг нархи бир неча бор, жумладан 1983 йилда 800 миллион сўм, 1984 йилда 156 миллион сўм ва 1987 йилда 109 миллион сўм ортди. Ҳўш, шундай экан, 1983—1987 йилларда ҳар килограмм пахтачининг нархи қан-

чага ошди? 1983 йилда — 16 тийинга, 1984 йилда — 3,12 тийинга, 1987 йилда эса 2,18 тийинга кўпайган, холос. Ана шўлар ҳисобига ҳозир пахтачининг бир килограмми ўртача 81,6 тийин деб қўрсатишмоқда. Аслида эса 65—70 тийинга сотилмоқда. 1988 йил бошларида республика ҳўкумати Иттифок органлари пахтачининг харид нархини янада ошириш ҳақида асосланган таклиф киритди. Лекин, умумийтўғри миқёсида нархлар системаси қайта қўриб чиқилиш муносабатидан СССР Давлат нарх комитети кечиктириб бўлмайдиган ушбу масаланинг ҳал этилишини вақтинча орқага сурди.

Шу муносабат билан бир савдо тўғрилиди. Нима учун биз пахтачин деҳқондан талаб қиламиз-у, аммо лекин қарийб 11 миллионлик қишлоқ аҳли тақдирини ҳал қилувчи, турмушини яхшилашнинг пахта харид нархи масаласини ижобий ҳал қилишни орқага сурмайми?

бошга иқтимоий-истеъмол фондидан тўлов ва имтиёзлар олиш — 600—390 сўм, аҳоли жон бошига миллий даромад — 2150—1130 сўм, аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш — 65—29 килограммин ташкил этади.

Партия ва ҳўкуматимиз белгиланган тадбирларга қўра шаҳардаги ишчи-хизматчилар билан қишлоқ меҳнатқилларининг моддий манфаатдорлиги ва фаровонлиги тенглашиб бориши керак. Аммо ҳозирги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари даражаси билан шаҳар ва қишлоқ меҳнатқиллари ойлари ўртасидаги тафовутни яқин йиллар ичиди бартараф этиш қийин.

Агар ўзбек Совет энциклопедиясини варақлашдан бўлсак, унда пахта маҳсулотлари ва унинг халқ ҳўжалигинда тутган ўрни тўлиқ ақс этган. Йўмладан, у тўқимачилик, авиация, киёме, автомобиль, саноатда ва бош қаларда ҳам ашё сифатида кеиғ фойдаланилади. Ўзга

сини оширишга хизмат қилмоғи даркор.

Академик Иброҳим Искандаров маъмулотларига қараганда, агар пахта ишлаб чиқариш ҳажми 490 минг тоннага қамайса, пахтакорлар 400 миллион сўмлик ялпи маҳсулот, шундан 170 миллион сўмлик иш ҳақини йўқотар эканлар. Шўнга қўра ўтган йили республикада етиштирилган 5 миллион 350 минг тонна пахтачин қиймати 4 миллиард 370 миллион сўмга яқин, меҳнат ҳақи фонди 1 миллиард 860 миллион сўмни ташкил қилади. Бир тонна пахтачининг ўртача харид нархи 816 сўмга тўғри келади.

Тошкент области пахтакор ҳўжаликларига давлатга пахта сотиш пилларин асосида ҳисоблаганимизда 1 тонна пахта учун 650—700 сўм ҳақ тўланади. Шу ҳисобдан ялпи пахта ҳисобининг қиймати 3 миллиард 745 миллион сўмга тўғри келади, иш ҳақи фонди 1 миллиард 590 миллион

бошқа маҳсулотлар, шўнинг-де, 390 минг тонна қийн-ди олинади. Шўндай қилиб, ўтган йилги пахтачининг ўртача қиймати 61 миллиард сўмдан ортади. Агар бу пахтадан тўқилган газламадан тикиладиган қийим-кечаклар, трикотаж / буюмлар, бошқа тайёр маҳсулотларнинг сотилиши, авиация, автомобиль, киёме саноатида ишлатилишидан келадиган даромадлар, кунжара ва шелухаларни озуқа сифатида чорвачиликда фойдаланишдан чиқадиган фойдани аниқ ҳисоблаб чиқсак, бир йилда етиштирилган пахтачининг қиймати юз миллиард сўмгача бора ажаб эмас.

Хўш, яна қайтараман, пахтаин етиштирган пахтакор ўз меҳнати эвазига қанча ҳақ олмақда? У эрта тонгдан то кеч қоронғи гўшгунчагача далада, 40—45 даража иссиқда, қарийб етти-ой мобайнида 10—15 соатлаб, ҳатто дам олиш кунлари ҳам меҳнат қилади. Намида 290—330 кун пахта-

• Мутахассис мулоҳазалари •

ПАХТАКОР ҚАНЧА ИШ ҲАҚИ ОЛИШИ КЕРАК?

барги, пояси ва пўстлогидан 100 дан ортиқ, пахта толасидан 50 та яқин, чигитдан 45 турдан кўп маҳсулот тайёрланади.

Пахта толасидан газлама, трикотаж буюмлари, техник тўқималар — корд, транспортер ленталари, тасмалар ва бошқа турли-туман анжумлар ишлаб чиқарилади. Чигит таркибиде 24—29 процент мой мавжуд. Ундан пахта мойи, шелуха ва бошқалар тайёрланади.

100 килограмм пахтадан 34—35 килограмм тола, 55—57 килограмм чигит, 5—12 килограмм момиқ олинади. 1 килограмм толадан 140 галтак ип ишлаб чиқарилади.

Бир гектар майдондан олиннадиган ҳосилдан (30 центнер) 7—8,5 минг метр газлама, 277 килограмм пахта мойи, 726 килограмм кунжара, 47 килограмм совун, 108 килограмм момиқ ва бошқалар тайёрланади.

Шелуха — ёр-мой саноати чинкидиси бўлиб, чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. Кунжара ҳам шундай. Унинг таркибиде 8—10 процент мой бўлади. Моллар уни кўпроқ ейди.

Толаси ажратиб олинган чигитдаги қалта тола (лиг) техник мақсадларда фойдаланилади. У, хусусан, мулофса саноатида кеиғ қўлланилади.

Пахтаин халқимиз бежиз «оқ олтин» деб атамайди. Шўнинг учун ҳақ у халқ фаровонлигини, деҳқонларимиз социал-турмуш даража-

сўмдан ошади.

Агар бир гектар ер ўрта ҳисобда 15—16 минг сўм даромад беришини инобатга оладиган бўлсак, ўтган йили экилган жами пахта майдонидан қиймати 32 миллиард сўмлик ялпи ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. (Бунда 11 миллиард сўм миллий даромадини ташкил этади). Лекин ана шу даромадининг 92 проценти, яъни 29 миллиард республикадан ташқарига чиқиб кетмоқда.

Яна бир бошқа ҳисоб-ниб ва манбаларга қўра, Ўзбекистондан олиб чиқиб кетиладиган бир йиллик пахта толасидан 25 миллиард сўм миллий даромад олинар экан.

Қўрилиб турибдики, пахтадан келадиган даромад миқдори қанча, унинг қанчасида пахтакор баҳраманд бўлмақда наби саволлар жавобсиз қолмоқда.

Шу муносабат билан юқоридагиларни қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

1988 йилда етиштирилган пахтадан норматив маъмулотларига қўра 1 миллион 720 минг тонна тола (60 миллиард 200 миллион сўм), 260 минг тонна уруғлик чигит (31,5 миллион сўм), 331 минг тонна — момиқ (17,3 миллион сўм), 483,5 минг тонна пахта мойи (677 миллион сўм), 81,4 минг тонна совун (51 миллион сўм), 1232 минг тонна кунжара (185 миллион сўм), 687 минг тонна шелуха (22 миллион сўм), 165 минг тонна

зорни тарқ этмайди. Ойига эса бор-йўғи 139 сўм ҳақ олади. Бу — бир йилда 1668 сўмини ташкил этади. Табиийки, оилада 4—7 нафар фарзанд бўлса, ана шу миқдордаги иш ҳақи билан нормал ҳаёт кечириб бўлмайди.

Алам қиладиган ери шўндаки, деҳқон жуда ҳам маош олгани ҳолда етиштирган «оқ олтин»дан тайёрланган бир галтак иини 0,25 сўмдан, бир метр газламани 2—3 сўмдан, бир килограмм мойни 1,4 сўмдан, битта қўйлакини 12—15 сўмдан сотиб олмақда?

Иттифоқ миқёсида ишчи-хизматчи завод ёки фабрикада 8 соат ишлаб уйига қайтади. Ҳафтада қанда бир кун дам олади. Бир йилда 270 кун ишлайди. Ойига 217 сўм маош олади.

Пахтакор технология картасидан 100 га яқин ишларини 7—8 ой мобайнида бажариб ҳосил яратди. Бир гектар ер ҳисобига тариф бўйича 350—450 сўм меҳнат ҳақи олади.

Агар шофер машиниси эшигини шикастлантурса, устаконига борса, у ердагилар машинани тўзатиб бериб, 350—450 сўмин ишлади.

Бир килограмм пахта учун ўртача 70 тийин, бир литр пелес кола иччилани 1 сўм 5 тийин, 1 килограмм жўҳори дои 11 тийин, бир килограмм ширин жўҳори қаламчиси 128 тийин.

Бир литр минерал сув 20 тийин; бир литр сут 28 тийин;

ётибор берилганидан тўмоқда. Ҳисоблаб чиқилди. Бир центнер сут етиштиришга 26 сўм 86 тийин сарфланади. Ҳар бир центнер сут ҳисобидан 5 сўм 64 тийиндан иқтисод қилиб қолиниди.

Афсуски, гўшт етиштиришдаги аҳвол бирмунча жиддийроқ бўлиб турибди. Бу ерда бир центнер гўшт етиштиришга мўлжалдагидан 44 сўм 80 тийин кўп

туфайли маҳсулдорлик ортмоқда. Ҳисоблаб чиқилди. Бир центнер сут етиштиришга 26 сўм 86 тийин сарфланади. Ҳар бир центнер сут ҳисобидан 5 сўм 64 тийиндан иқтисод қилиб қолиниди. Афсуски, гўшт етиштиришдаги аҳвол бирмунча жиддийроқ бўлиб турибди. Бу ерда бир центнер гўшт етиштиришга мўлжалдагидан 44 сўм 80 тийин кўп

туфайли маҳсулдорлик ортмоқда. Ҳисоблаб чиқилди. Бир центнер сут етиштиришга 26 сўм 86 тийин сарфланади. Ҳар бир центнер сут ҳисобидан 5 сўм 64 тийиндан иқтисод қилиб қолиниди. Афсуски, гўшт етиштиришдаги аҳвол бирмунча жиддийроқ бўлиб турибди. Бу ерда бир центнер гўшт етиштиришга мўлжалдагидан 44 сўм 80 тийин кўп

туфайли маҳсулдорлик ортмоқда. Ҳисоблаб чиқилди. Бир центнер сут етиштиришга 26 сўм 86 тийин сарфланади. Ҳар бир центнер сут ҳисобидан 5 сўм 64 тийиндан иқтисод қилиб қолиниди. Афсуски, гўшт етиштиришдаги аҳвол бирмунча жиддийроқ бўлиб турибди. Бу ерда бир центнер гўшт етиштиришга мўлжалдагидан 44 сўм 80 тийин кўп

• Вилоят халқ назорати комитетида

ОМУХТА ЕМ СИФАТСИЗ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ТОШКЕНТ дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасида (бош инженери Р. Султонов) жамоат чорвачилиги ахтиёжига жавоб берадиган омухта ем ишлаб чиқаришдек муҳим масалага етарли эътибор берилмапти. Тасдиқланган қўшимчаларнинг ҳаммаси ҳам доимо эмга солинмайди. Қўпичча ҳўжаликлар ўз чорваларига мос, лозим хилдаги омухта емни ололмайдилар.

Бирлашма раҳбарлари томонидан қатъий назорат ўрнатилмаганлиги сабабли вилоятдаги қатор дон маҳсулотлари корхоналарида белгиланган давлат талаби нормасида маҳсулот ишлаб чиқарилмапти. Бирор заводда доinni оқлаш, уч корхонада эса суюқ қўшимчалар қўпиш ускунаси йўқ. Шўнинг учун ҳам жойларда технология интизом бўзилипти. Тошкент дон маҳсулотлари бош корхонасида (директори Т. Тирначев) қўпичча оҳак, кепак солинмайди. Согиланган сигирлар учун тайёрланаётган омухта емга лозим қўйилма ўғитга бошқаси солинади.

2-Тошкент галла комбинати (директори А. Дидаш) паррандачилик фабрикаларини етарли миқдорда омухта ем билан таъминлай олмапти. Унинг устига тайёрланаётган маҳсулот сифати талабга жавоб берамайди. Охангарон дон маҳсулотлари комбинатида (директори З. Мусаев) қорамоллар учун омухта ем тайёрлаш пилани бажарилмапти. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш технология жараёни қўпол равишда бўзилмоқда. Омухта ем тайёрлаш цехида ёр ва меллас қўшуви ускуналар бўлса-да, ишлатилмайди.

Умуман корхоналардаги омухта ем цехлари лабораториялар талаб даражасида ишламаяпти. Улар зарур ускуналар, кимёвий моддалар билан етарли таъминланмаган. Маҳсулотлар сифати эса узлуксиз текшириб борилмапти.

Вилоят халқ назорати комитети йилигилишда юқоридаги камчиликлар қатъий танқид қилинди. Тошкент дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмиси бош инженери Р. Султонов, бирлашманинг Тошкентдаги бош корхонаси директори Т. Тирначев ўртоқларга ҳайфсан эълоа қилинди.

ШАРОИТ ЕТИШМАГАЧ...

Халқ назоратчилари Тошкент шаҳридаги 21-, 22- ва 29-, Ангрендаги 34-, Чирчидаги 14-, Бўнадаги 15-болалар уйларидаги аҳвол, шарт-шароитларни ўрганиб чиқдилар. Текшириш натижалари шўни кўрсатдики, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бош бошқармалари болалар уйлари ишини яхшилашга талаб даражасида ёндошмаптилар. Вилоят савдо бошқармиси бошчилиги ўринбосари Э. Раҳмонов, Бўна ноҳияси матлубот жамиятининг раиси А. Худойбердиев, Тошкент Давлат таъминоти савдоси директори А. Ченоваларнинг ўз ташкилотларида етарли назорат ўрнатмаганликлари туфайли болалар уйлари савабот, мева, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарли шарт-шароитлар яратилмаган. Санитария талаблари бўзилмоқда. Тошкентдаги 29-болалар уйи омориде кийим-кечаклар йиғилди қолган. Лекин болаларда хонада қийилган побаб-абла, спорт костюмлари етишмайди. Сотиб олинган кир ювиш машиниси кўп ойлардан бери ишламай ётибди. 21-болалар уйида стол-стулар етишмайди. 14-болалар уйида алоҳида ечиниш хонаси, ўқув зали, қизлар учун озодагарчилик хонаси, спорт майдончаси йўқ. Тўғрақлар учун хоналар етишмайди. 15-болалар уйида шароит янада оғир. Асосий бино сув билан таъминланмаган. Озодагарчилик, ювиниш, медицина хоналари жуда ночор аҳолида.

14, 15, 21, 29 ва 34-болалар уйларида санитария-эпидемиология талаблари қўпол равишда бўзилмоқда. Ошхоналар яхши тозаланмайди, идиш-товуқ, музлатиш ускуналари, қўл ювадиган жойлар етишмайди. Ошхоналардаги назоратсизлик озиқ-овқатларни ўғирлаш ҳолларининг юз беришига сабаб бўлмоқда. 34-болалар уйида олинган овқат намунаси текширилганда биринчи овқатда 60 фоиз, иккинчи овқатда 50 фоиз ма-садлик қозонга солилмагани маълум бўлди.

Йилигилишда болалар уйи директоридаги бу ишга муносиб бўлмаган кишилар ҳам тайинланаётганлиги таткидланди. Айбдорларга нисбатан чоралар қўрилди.

ТОПШИРИҚ

БАЖАРИЛМАЯПТИ

Вилоятдаги қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари темир-терскалар тайёрлаш бўйича давлат буюртм



Замонавий анжана



ОИЛАВИЙ САДОҚАТ МАДҲИ

Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номидаги кўлида минг йил урф-одатлар ва анжана билан йўлланган, янги совет турмуш тарзига асосланган аjoyиб тадбирлар уюштирилди. Яқинда бу ерда ана шундай тадбирлардан бири — «Олтин ва кумуш тўйлар байрами» ўтказилди.

Жамоа ҳўжалигининг муҳташам саройида уюштирилган бу шодиёнада Юнусовдор қишлоқ Советига қарашли Фрунзе ва Қизил Октябрь участкаларида 40 жуфт оила аъзолари тўпланилди. 45 ёшдан 80 ёшгача бўлган бу кишилар орасида ҳали соғига оқ тўшмаганлар ҳам, нуруний отахон ва онахонлар ҳам бор эди. Аммо тақдир қилинган жуфтликларнинг турмуш тақриби катта. Уларнинг ҳар бири камидан тўрт фарзанднинг отаси. Кўпчилиги эса аллақачон неварали-аварали бўлишган.

Хашаматли зал бўйлаб тантанали мусиқа садолари жарағилди. Кўсидидаги қизил алмонларга 25, 30, 35, 40, 50, 60 рақамлари ёзилган отахон-онахонлар сахнада ярим доира қуриб ўтиришди. Бу сахнада ўтирган мўтабар кишиларнинг шунча йил бирга тоғу оилави турмуш кеңирганларидан далолат. Улар фақат ақил умр кечирибгина қолмай, балки фозил ва меҳрибон фарзандларини ҳам вояга етказишган. Саҳна пойида уларни қўллаш учун шай турган ўғил ва қизлари, неваралари қўлла-ридаги гулдастлар ҳам бунга шохид бўла олади.

Байрамни К. Маркс номидаги ҳўжалик раиси Рустам Акбаров очди. У узоқ йиллар тоғу аъзоларини, бугунги кунда ҳўжаликнинг барча соҳаларида меҳнат қилаётган ва шахарликларини сабабот ҳамда сўт ва гўш билан таъминлашга муносиват қўшаётган ях-

ши фарзандларини тарбиялаб вояга етказганликлари учун тадбир қўрамончилирига мингнатдорчилик билдириб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, пир-бадавлатлик тилади.

Шундан сўнг ақинда фарзанд кўрган оилаларга чақаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, энди оила қўраётган келин-куёвларга эса нинқоқ гувоҳномалари топширилди. Тадбир иштирокчиларини шу оқшом меҳмон — Ўзбекистон халқ шоири Қўдус Мухаммадий муборакбод этди. Қишлоқ Совети раиси Сирожиддин Аъзамов отахон ва онахонларга фахрий ёрликлар топширди. Хотин-қизлар ҳаракати ветерани, кўлоз қурилиши йиллари иштирокчиси Тоғжон Сафарова раҳбарлигидаги онахонлар фольклор ансамбли, мазкур ансамбл ҳонандеси Шарифа Саидовалар «Алла, «Овозинг сани» каби қўллаб қўшиқлар ижро этишди. Иштирокчилар кўлоздаги

17-болалар богчаси тарбияланувчилари ҳам қўллади. Тошкент ноҳияси маданият уйи қўлоздаги «Ўзла» кўлоқлар рақс ансамбли, ҳўжалик маданият уйининг вокал-хор гуруҳи ҳам катта концерт программасини намойиш этишди.

Байрам нинқосида залдан чиқиб келаётган отахон ва онахонлар кўзда қўвонч қўз ширилди. Тадбир иштирокчиларини бу оқшом меҳмон — Ўзбекистон халқ шоири Қўдус Мухаммадий муборакбод этди. Қишлоқ Совети раиси Сирожиддин Аъзамов отахон ва онахонларга фахрий ёрликлар топширди. Хотин-қизлар ҳаракати ветерани, кўлоз қурилиши йиллари иштирокчиси Тоғжон Сафарова раҳбарлигидаги онахонлар фольклор ансамбли, мазкур ансамбл ҳонандеси Шарифа Саидовалар «Алла, «Овозинг сани» каби қўллаб қўшиқлар ижро этишди. Иштирокчилар кўлоздаги

келиб 26 нева ва 7 аварани сўюб-ардоқламолди.

73 ёшли Олим ота Мухаммадалиев рақисчи Мухамбар опа Қўқорова билан турмуш қўриганга 43 йил бўлди. Улар ўн болани оёққа турғанишди, уй-жойли қилишди, бу табар-руқ хонадонда ҳам 20 нева ва улғаймоқда.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳўжаликда 50 йилдан бери ишлаб келаётган жанговар ордан ва медаллар нишондори Зикри ака Камоловнинг турмуш ўртоғи Шарифа опа Ақомова ҳам ўн болани тарбиялаб, вояга етказган қўрамон она.

Бу отахон ва онахонларнинг бари ўзларини шунчалар эъзозлашганидан, турмушларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатишганидан мамнун эдилар.

Бундай тадбирларни келгусида тез-тез ўтказиб туришни режалаштирмоқчимиз, — дейди Рустам Акбаров. — Бу турли миллат кишиларини янада жипслаштиришга, одамлар орасидаги меҳр-оқибатнинг янада орттишига, қишлоқлардаги ҳар бир киши ҳаёти ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишга хизмат қилади.

У. ҲИМАТОВ.



Суратларда: кўлозда ўтган тантана ҳақида.



Суратчи Р. АЛБЕКОВ.

Давлат тилини ўрганмоқдалар

ҚИЗИЛ БУРЧАК—ДАРСОХОНА

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан жумҳуриятимизда бу тилни ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортди. Жумладай, Чирчиқ шаҳридаги «Химавтоматика» илмий тадқиқот бирлашмасида ҳам бундай машғулотлар йўлга қўйилди.

Корхонанинг механика ва қишлоқ бурчаги қафасининг икки кун ўзбек тилини ўргатувчилар учун дарсохона вазирасини ўтатмоқда. Машғулотларни мутахассис олим-

лар, тажрибали педагоглар олиб боришмоқда. Унинг илмий номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институт тилишунослик ва адабиёт сектори мудири, педагогика фанлари номзоди Т. Нисомова ва ақиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Институт ўзбек тилини ўргатувчилар курси бўйича махсус программа ва методик тавсияларни тайёрлади.

С. ОДИЛОВА.

Паркент янгиликлари

«ДИЙДОР» ХИЗМАТДА

ПОИТАХИМИЗДА «Дийдор» болалар театри таъкил этилганига 6 ойгина бўлди. Аммо шунга қарамай Эргаш Мусабоев раҳбарлигидаги мазкур театр кичиктоилар эътиборини қозонди. Театр актрисаларининг «Зумрад ва Қўмил» саҳна асарини ўқувчилар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Яқинда «Дийдор» парикентлик ўқувчилар ҳузурида бўлиб ана шу спектакль билан талабалар дилини ҳушуд этди. Хоизр театр коллективи Ш. Сўлтоновнинг «Хубоблар» асарини сахналаштириш борасида иш олиб бормоқдалар.

ЛЕНИНБОДГА САФАР

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Ленин комсомоли мунофоти

лауреати «Паркент гуллари» халқ ансамбли Токистоннинг Ленинбод шаҳрида бўлиб ўз санъатларини намойиш этди. Токистонлик қардошларимиз ансамбл концерти билан биргаликда ЎзССР халқ артисти Раъно Нисомова, Сўлтон Ҳайитбоевларнинг куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

М. УСМОНОВ.

ЯНГИ МАКТАБ

ПАРКЕНТ ноҳиясининг Санганак қишлоғи ўқувчилари янги бинода таъсил ола бошладилар. 460 ўқувчига мўлжалланган мазкур мактаб ноҳиядаги 12-механика бўликларидаги қўрувчилар қад кўтарган мазкур мактаб биноси 2 қаватдан иборат бўлиб, унда таълим олиш учун барча шартлар яратилган. Мактабга Сергей Тютенин номи берилди.

М. ШОКУСОВА.

Газетхон илтимосига кўра

Ҳурматли редакция! Шаҳрияда кўчалар, хиёболар, мактаб, институтларга қўйилган номлар борки, булар киши диққат-эътиборини ўзига тортади. Жумладан, пойтахтимизда «Алгоритм» номи кўча ва завод борлиги ҳаммага аён. Лекин бу ном нияни аниглади? Шу ҳақида газета орқали маълумот берсангиз.

«Ўзбекфильм» студиясининг бир гуруҳ ходимлари номидан Мухаммаджон РАЖАБОВ.

МАЪЛУМКИ, IX—X асрлардаги энг машҳур алломалар Урта Осиёдан етибдики чиққанлиги тасдиқий ҳол эмас. Ана шулардан бири Мухаммад Абужафар ибн Мусо ал-Хоразмий (780—847 йиллар)дир. Бу улғу зот аслида Хоразмда туғилиб-ўсган бўлиб кейинчалик ўша давр араб халифалигининг пойтахти бўлмиш Бағдодда яшаб, илмий ишлар билан шўғулланган. У Бағдоддаги академияга етакчилик қилган, тадқиқотлар юзасидан кўпгина Шарқ ўлкаларига саёхатга чиққан ва биринчи марта дунё харитасини тўзган унутилмас бораёт сиймолардан ҳисобланади. Бағдоддаги Шамсия маҳалласида жойлашган халифа Маъмун (813—833 йиллар) обсерваториясида қилинган оламшумул илмий ишлар ҳам шубҳасиз Хоразмий номи билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ал-Хоразмийнинг номи астроном сифатида эма, балки унинг алгебра оид асарлари кейинчалик лотин тилига таржима қилиниши тўғрисида фан тарихида буюк математик сифатида ҳам мустаҳкам ўрин олган. Америкалик атоқли шарқшунос олим Д. Сертун унинг «Барча замонларнинг энг улғу математикларидан биридир» деб шарҳлагани бежиз эмас.

Олимнинг математикага оид асарлари — арифметика ва алгебра Герб тилларига кўп марта таржима қилинганлиги, математика фанида амалда қўлланилганлиги сабабли Хоразмий нисбаси лотинча китобларда «Алгоритмус», «Алгорисмус», «Алхорисмус», «Алхорисмус», «Алхорисмус» деб нотўғри талқин қилинган ва бу ҳол янги арифметика — Алгоритм (алгоризм) номига асос бўлган. Бу номлар аслида ягона «Хоразмий» эканлигини шарқшунос олим Ж. Рейно бундан роса 140 йил

«АЛГОРИТМ» Н И М А Н И АНГЛАТАДИ?

муқаддам аниқлаб берганлиги эндиликда фан оламига мутлақо сир эмас, — деб азади Х. Хасанов ўзининг «Сайёх олимлар» номида китобиди.

Хоразмий математикаси ўз вақтида ҳиндча санокчи ва шунга асосланган арифметик амаллар системасини билдира бошлаган. Унинг «Алжабр ва муқобил» номи асарининг номидан «алгебра» термини пайдо бўлган. Хоразмий фани суғуриш ва савдо-сотиқ соҳасида амалий эҳтиёжлар зимнида ривожланган. Хоразмий ўз ватанининг ана шундай етук фани билан арабларини илк бор таништирган, сўнгра лотинча таржималари тўғрисида Герб илм аҳлилари ҳам у билан беавасита танишиш шарафига муяссар бўлишган.

У «Зикр», яъни астрономия жадавали, «Хинд рақамлари ҳисоб-қитоби», «Ал-мухтасар фил-жабр вал-муқобил», «Тенглама ва қаршилантириш ҳисоби мухтасари», «Китобу сурат ал-арз», («Ернинг шакли ҳақида китоб»), «Кабир машҳур асарларини яратган, ер кўрсатини турли иқлим ва музофотларга бўлган, жуғрофик хариталар тўзган ва ўзи ҳам бир неча бор илмий экспедицияларда қат-

нашган. Шахсан халифа Маъмуннинг Ҳазарияга юборган элчилари орасида ал-Хоразмий ҳам бўлган, у бу сафарда географ сифатида қатнашган деган маълумотлар тарихий манбаларда учрайди.

Хоразмийнинг «Хинд рақамлари ҳисоб-қитоби» XII асрдаги лотин тилига таржима қилинган. Иккинчи бир йирик асари — «Ал-мухтасар фил-жабр вал-муқобил» математикани янги соҳа — тенглама билан бойитган. Кейинчалик бориб эса мазкур асар номидан олдинги сўз билан математиканинг махсус бир соҳаси «ал-жабр» («алгебра») деб аталган. Бу улғу олим нафақат Шарқ, балки бутун дунё фани учун ҳам «Ноль» сонини кашф этиб берганки, бугунги кундаги кибернетика фани асоси ҳам айнан шу ал-Хоразмий ҳақосига тавсияшнинг алоҳида кечмас мамуният билан қайд этиб ўтмай бўлмайди.

Кўрамизки, Мухаммад ал-Хоразмий. Урта Осиёнинг буюк географ олимгина эма, балки Шарқ географиясининг асосчиси, олис Испаниядан то Қашқаргача бўлган барча табиатшунос ва сайёх олимларга йўлбошчи ҳамдир.

Улуғ Беруний ҳам Хоразмийнинг гоат эҳтиром билан тилга олган, италия шарқшуноси К. Наллино Урта Осиё олимига юксак баҳо бериб: «Гарбад» ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай оламшумул асарлар яратишга қўйил ҳамда кодир эмас эди, — деб айтган экан.

Биз кўп қиррали ал-Хоразмийнинг математика ва бошқа фанларда доир илмий меҳнатлари, хусусан, бу улғу бобокалонимиз алгебрасининг Герб тилларидан нотўғри таржималари ҳақида қисқача тўхталиб, холос. Алфатта, «алгоритм» сўзи тўғри талффузда, ўз исми ва нисбасида юртилиши ўрнига хозирда ҳам айнан ўша хато негизда қўлланиб келинаётганлиги, шубҳасиз, кишини ажаблантиради.

Х. ЗАЙНИДИНОВ, тарихчи, олим.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: идеология — 325778; агроаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; халқлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

ҲАРБИИ ВАТАНПАРВАРЛИК БУЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ХОТИРАЛАРИ ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

МЕН 1978 йилдан бери СССР Мудофаа Министрлиги Марказий архивидида излаш олиб бориш натижа-сида аниқлаган маълумотлар асосида уч мингта яқин ҳамюртларимиз ўз оталари, умр йўлдошлари, ака-укалари, фарзандлари ва қариндош-уруғлари қабрларини зиёрат қилиб, ўз нисоний бурчларини бажариб қайтишди.

Аммо нима учундир, оржоникиделиклар тақдирлари аниқланган авлодлари ҳақидаги маълумотларни би-лиш, уларнинг қабрларини зиёрат қилишга шоишма-тирлар.

Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Компартияси Оржоникиде ноҳия комитетининг биринчи котибаси Гулсара Султоновна Мирзимова ҳузурида бўлишга тўғри келди. У киши мени самимийлик билан қабул қилди. Ўша куннинг эртасига ноҳия тарғиботчилари йигилишида сўзга чиқиб, тақдир аниқланган марҳум жангчилар ҳақида маъруза қилганидан бўлди.

Мажлиста архив ҳужжатлари асосида тақдирлари аниқланган оржоникиделик марҳум жангчиларнинг рўяхатини тайёрлаб келдим.

Йигилишдан сўнг ноҳия «Коммунизм тоғи» газетаси рўяхатга асосланган ҳолда «Ҳеч ким, ҳеч нима унутилмайдил!» рубрикаси остида «Ҳаердасиз, қариндошлар!» сарлавҳали кўш саҳифа эълон қилинди.

Реданция амалга оширган бу тадбир ўз самарасини бера бошлади. Яқинда ҳузу-римга уш йигит ва бир қиз келиб кетди. Улар фронтга Оржоникиде ноҳиясидаги Чапаев номидаги йўл олган Эргаш Абдуллаевнинг тақдирини билиш учун келишган экан.

Мен уларга боболари Эргаш Абдуллаев гитлерчи одамхўрларга қарши 147-ўқчи дивизиянинг 640-ўқчи дивизияси таркибиди жанг қилганлигини, 1943 йил 10 август кунин оғир ярадор бўлганидан сўнг госпиталда вафот этганлигини ва Сума областининг Ахтирск ноҳиясидаги Светлий путъ қишлоғида дафн этилганлигини маълум қилиб, у киши қабрини зиёрат қилишга тааллуқли мас-лаҳатлар бердим.

Қалбимда «Коммунизм тоғи» газетасининг 14 октябры сонидида «Ҳаердасиз, қариндошлар!» сарлавҳали материални кўздан кечирган оржоникиделиклар марҳум авлодларининг тақдирлари билан қизиқиб, улар хоти-расини эъзозлайдилар деган нишон пайдо бўлди.

Мажид САМАДОВ, Улуғ Ватан урушин ишти-рокчиси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҚИМИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ

ТЕАТРИДА
23, 27 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ПРЕМЬЕРА

Машраб Бобоев асари.

Ҳабибулла Раҳимов музикаси.

«МУШКУЛ САВДО»

(икки пардали музикали драма)
Саҳналаштирувчи режиссёрлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби НОСИР ОТАБОВЕВ, ОЛО ВИДИН МУҲИДИНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЭРГАШ ТОШМАТОВ.
Рассом — СОБИР БЕКМАТОВ.
Телефонлар: 45-16-33, 45-36-55.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қоринқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА
26 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
М. ҚОРИНҚУБОВ НОМИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ

концерти

ПРОГРАММАДА:
РАҚҚОСА —
Замира ҒАФҒОРОВА
ВА

бадий сўз устаси Мамасоли ХОЛМАТОВ қатнашади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14 дан бошлаб сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(«Хадра» майдони)

24, 27, 28, 29, 30 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
25, 26 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 18.00 ДА

«ТАРОВАТЛИ МАЙ» — «ОППОК АТИР
ГУЛЛАР» СТУДИЯСИНИНГ

ЯНГИ ШОУ-ПРОГРАММАСИ

Программада томошабинлар учун «Тароватли май» студиясининг қатнашчилари ижросидаги оммавий қўшиқлар тақдим этилади.

Билетлар Тошкент давлат цирки кассаларида, шунингдек шаҳар бўйича билет тарқатувчилар томонидан сотилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ҚОЛЛЕКТИВ БУЛИШ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кассалар соат 10 дан 20.00 гача очик.

Справклар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

СОВЕТ МАДАНИЯТ ФОНДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БУЛИМИ

27 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА

Совет Армияси сафиди хизмат қилаётган ҳамюртларининг ота-оналарига бағишлаб «Олтин диск» мукофоти соғирдори, Ўзбекистон ССР халқ артисти ГҲЛОМ. ЖОН ЕҚУБОВ иштирокида

«МАРДЛАР ҚҲРИҚЛАДИ ВАТАННИ»

ДЕБ НОМЛАНГАН

МУЛОҚОТ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Мулоқот давомида ҳушвор хонанда Ғулмжон Еқубов муҳлисларни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Ота-она, меҳр оқибат, севиқ-саломатини тараннум этувчи қўшиқларидан ҳади этади. Нодир сўз устаси Рустам Мирзалиев ҳуш кайфият улашади.

Программаи — АСРОП АБРОРҲУЖАЕВ олиб боради.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Қўшиқлик бўлиб келиш истагида бўлганлардан буюртмалар қабул қилинади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14 дан бошлаб сотилади. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 39-41-46, 39-42-68.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ 33-АВИАЦИЯ

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйдаги ихтисосликлар бўйича

1990 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Токар-фрезерчи, рақамли программа билан бошқарилган станоклар оператори, узувчи аппаратларни ва уларнинг деталларини тайёрлаб ишлов бевурич слесарь электр пайвандчи.

Ўқишга Тошкент шаҳри ва шаҳарга яқин районларда яшаб турувчи, бор-йўғи 6 ой ичда самолётларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ қизилар ва зарур ихтисосни яғла-лаб чиқишни хоҳлаган Совет Армияси сафларидан исте-фода бўшатиладиган ёшлар қабул қилинади. Ойига 65 сўм стипендия тўланади.

Ўқини ўқиб ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртидаги ўқини даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқини тамомлаганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга, аъло-чилар эса мамлакатининг олий ўқув юртиларига ўқиш-га юбориладилар.

Волейбол, эркин кураш, дзюдо, дельтаплан ясаш секциялари, ишчи-болалар тўғрақлари ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқишга кириш учун қуйдаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат, паспорт, 4 дона фотосурат (4х5 ва 3х4 см.).

МАШҲУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТ-ЛАШУВИГА ҚАРАБ ВО